

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 22 апрель, № 80 (4743)

Чоршанба

ХОТИРА МАНГУ, ҚАДР АБАДИЙ



Истиқлол йилларида
улуғ аждодлар
хотирасини қадрлаш,
мамлакат тараққиёти,
юрт озодлиги йўлида
жонбошлиқ кўрсатган
фидойи
юртдошларимиз руҳини
шод этмоқ учун эзгу
амалларга бел
боғлашдек савоб юмуш
диллимиздаги ёруғ
ниятлардан бирига
айланди. Шу маънода

Президентимиз ташаббуси билан 9 май
Хотира ва қадрлаш куни деб эълон
қилинганлиги бекиёс аҳамиятга эгадир.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Бунинг замирида катта маъно борлигини вақт ўтиши билан тобора чуқурроқ англашмиш ва унинг мазмунига тереңроқ етаямиз. Зотан, тарихий хотира билан яшаш, инсон хотирасини ёд этиш, ўтганларнинг муборак ёдига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, бу — асл миллий қадриятларимизда, анъаналаримизда муҳим ўрин тутади. Мазкур сана баҳонасида ўтказиладиган тадбирлар, айниқса, ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга. Ушбу эзгу юмушлар навқирон авлод вакиллари — фарзандларимиз кўз ўнгига амалга оширилмоқда, ақсарият хайрли тадбирларда улар фаол иштирок етаяптилар. Қолаверса, айём муносабати билан бўлиб ўтадиган турли йиғин ва анжуманларда даврамизнинг тўри, қалбимизнинг кўрини тўлдириб ўтирган фариштамонанд отахону онахонларимиз бошларидан ўтказган суронли йиллар ҳақида ёшлар билан суҳбат қуришса, ҳеч бир йигит-қиз беэътибор бўлмайди. Бу гаплар шунчаки айтилмаётганлигини, тинчлик бебаҳо неъмат эканлигини бугун улар янада чуқурроқ англаб етишмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан Пайдобов олган сурат.

Кеча пойтахтимиздаги “ЎзэкспоМарказ” мажмуида «Соғлиқни сақлаш — ТИНе 2009» халқаро кўргазмаси очилди. Мазкур нуфузли тадбирни “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стоматологлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, “ЎзТехника” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этди.

ХАЛҚАРО ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ

Юртимизда ўн тўртинчи бор ўтказиладиган ушбу халқаро анжуманда тиббиёт асбоб-ускуналари, фармацевтика, эстетик тиббиёт ва стоматология каби тўртта йўналиш қамраб олинган. Тиббиёт соҳасидаги сўнгги ютуқлар намойиш этилаётган бу гапга кўргазмада АҚШ, Австралия, Англия, Россия, Хитой, Германия, Италия, Швейцария, Чехия, Туркия, Япония, Жанубий Корея сингари жаҳоннинг 22 давлатидан 150 га яқин компания ўз махсулотлари билан иштирок этмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, инсон, унинг манфаати, ижтимоий ҳимоя устувор этиб белгиланган мамлакатимизда аҳоли саломатлигига гамаҳурик ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Ана шу сый-ҳаракатлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, даволаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом, баркамол авлодни

Жараён

воёга етказишда муҳим омил бўлаётган. Бу борада, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган мақсадли дастурлар катта самара бераёпти.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда фармацевтика саноати тўлиқ шаклланди. Бундан 17-18 йил аввал бор-йўғи 2 та фармацевтика корхонаси мавжуд бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 100 га етди. Ҳозирги кунда ушбу саноат корхоналарида 766 турдаги дори-дармон ишлаб чиқарилимоқда. Мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тизимга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳисобига ўнлаб йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Олти миллиондан зиёд фуқарога ҳар йили давлат томонидан Бегул шошилчиқ тиббий хизмат кўрсатилямоқда.

(Давоми 2-бетда).

НУРОНИЙЛАР ДОИМО ИЗЗАТДА

Нуронийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш Президентимиз Ислам Каримов юритётган сиёсатининг устувор йўналишларидан.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони фахрийларга кўрсатиладиган эҳтиромнинг яна бир ифодаси бўлди.

Республика «Нуроний» жағфармаси Марказий кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимизнинг мазкур Фармонида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, фахрийлар, жулудан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар муҳофазатга олинди.

«Нуроний» жағфармаси марказий кенгаши раиси Э. Боқибоев давлатимиз томонидан фахрийларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, қарияларга моддий ва маънавий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади. Жорий йилда жағфарма томонидан беш юз нафардан зиёд уруш ногирони, меҳнат фахрийсига зарур тиббий ускуналар берилди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларда истиқомат қилаётган уч мингдан ортиқ нуронийнинг уй-жойлари таъмирланди. Уруш ва меҳнат фахрийларига, ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда яқинлашиб келаётган Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик қўриш, уруш ва меҳнат фахрийлари, қариялар ҳолидан хабар олиш борасидаги тегишли вазифалар белгилаб олинди.

(Ў.А.)

СУВ — УМУМБАШАРИЙ НЕЪМАТ

«Союзводпроект» сув ҳўжалиги, мелiorация ва экология бўйича инженерлик илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори, Россия табиий фанлар академияси академиги, география фанлари доктори Игорь Зонн минтақамизда бир неча бор бўлган ва Марказий Осиёнинг экологик муаммолари билан таниш. Утган йил охирида Москванинг «Халқаро муносабатлар» нашриёти АҚШнинг атмосфера бўйича тадқиқотлар миллий маркази етакчи ходими Майкл Гланц ҳамкорлигида «Орол энциклопедияси»ни чоп этди. Бир ойдин мазкур энциклопедия ГФРнинг Шпрингер нашриётида инглиз тилида чоп этилди.

— Энциклопедия бир авлод кўз ўнгига экологик таназзулни бошидан кечирган табиатнинг ноёб ҳаззасига бағишланган, — дейди Игорь Сергеевич. — Китобда Орол денгизи тарихининг муҳим даврларини ўз ичига олган сўнгги уч аср давомига бўлиб ўтган воқеалар хронологияси ўз аксини топган. Унга ушбу масалага таллуқчи бўлган 500 дан ортиқ тушунча ва атамалар, Орол инқирозидан келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий ва экологик зарарни камайтириш тўғрисидаги миллий ва халқаро дастурлар хусусидаги маълумотлар киритилган.

Дунё нигоҳи

Орол масаласи ўта жиддий муаммодир. Энциклопедия устида ишлабтанишимизда, мазкур денгиз ҳақида бугунги кунга эга бўлган барча маълумотларни киритишга, бу ерда инсонлар бошидан кечирётган фожияни дунё ҳамжамияти эътиборига олиб чиқишга ҳаракат қилдик. Ҳозирги кунда Ўзбекистон томонидан Амударё дельтасида вужудга келган аҳволни яхшилашга йўналтирилган иш-шароитлар ўз самарасини бермоқда. Оролбўйига оид янги ва наботот дунёси қайта тикланмоқда. Бу денгизнинг илгариги қирғоқларидан узоқлашиши оқибатида юзага келган йўқотишларни камайтириш

борасида муҳим қадамлардан-дир. Орол денгизидеги ҳозирги мовий хавзани, албатта, сақлаб қолиш, унинг яна қуришига йўл қўймаслик керак. Орол бутунлай йўқолди, деган хулосага келиш умуман мумкин эмас. Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланишга жуда кўп нарсга боғлиқ.

Ўзбекистонда сув-энергетика масаласи доимо муҳим ўрин тутаётган ва мен уйланиманки, мамлакат раҳбарияти халқнинг фаровонлиги ҳамда келажаги сувдан оқилона фойдаланишга узвий боғлиқлигини англаган ҳолда мутлақо тўғри маққени эгаллаган. Сув ва энергетика — бир-бири билан боғлиқ, бироқ минтақа давлатлари ўз энергетик қудратини

(Давоми 2-бетда).

САНЪАТКОРОНА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Санъат ҳафталиги давомида Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчи ҳамда талабаларининг «Устоз ва шогирд» деб номланган кўргазмаси, бадий ижодкорлар уюшмасининг уста ва рассомлари ижодида тааллуқли намоийишлар бўлиб ўтади. Шунингдек, Англия, АҚШ, Россия, Озарбойжон, Хитой сингари мамлакатларнинг таниқли санъат усталари иштирокидаги маҳорат дарслари ташкил этилиб, уларнинг юртимиз вилоятларига ижодий сафарлари уюштирилади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги

Бу гапга ҳафталиқнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан кўнча ва ҳақиқат навқирон шаҳарнинг бетакор манзаралари акс этган тасвирий санъат асарлари намойиш этилади. Муҳлислар эътирофига сазовор бўлган энг таъсирчан ижод намуналарини махсус номинациялар бўйича тақдирланади.

Ҳафталиқнинг «Ранг-таъсир куни» деб номланган дастлабки тадбири «Илҳом париси» номли кўргазма билан бошланди. Экспозициядан ранг-таъсир асарлари, қулоқлик, ҳайкалтарошлиқ, дизайн санъати намуналари, зардўзлик ҳамда ёғоч ўймакорлиги буюмлари жой олган.

— Тасвирий санъат ҳафталигида илк бор иштирок этишим, — дейди хитойлик мусавир Аҳмад Фозий. — Мазкур нуфузли тадбир баҳона юртингиз

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бунёдкорлик қонимизда бор

Яратувчилик, бунёдкорлик халқимизга хос фазилатлардан. Юртимизда инсоният тарихидеги энг қадим шаҳарлар, обод манзиллар шаклланишига ҳақиқатан ҳам муҳим роль ўйнаган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шахрисабз, Тошкент, Марғилон каби кўнча ва навқирон кентларимиз ўзининг бой тарихи, бетакор меъморий обидалари, илм-фани ва маданияти билан маъна асарлари, олам аҳлини хайратга солиб келаяптир. Биргина Самарқанд шаҳрининг меъморий обидалари, илм-фани ва маданияти билан маъна асарлари, олам аҳлини хайратга солиб келаяптир. Биргина Самарқанд шаҳрининг меъморий обидалари, илм-фани ва маданияти билан маъна асарлари, олам аҳлини хайратга солиб келаяптир.

Соҳибқирон Амир Темуր томонидан Самарқанд ва бошқа шаҳарларда амалга оширилган улкан яратувчилик ишларининг намунаси бўлган ва бизгача сақланиб қолган обидалар ўша даврда шахарсозлик, қуриш маданиятига гоят катта эътибор қаратилганини кўрсатади.

Улуғ аждодларимиз маҳобатли саёрийлар, макбарлар, мадраса, масжид, хонақоҳ, қарвонахона ҳамда бошқалар қуришлари билан бир қаторда, деҳқончилик ривожига хизмат қилувчи тўғонлар, канал ва ариқлар, қўриқлар бунёд этиш борасида ҳам катта тажрибага эга бўлган. Айни чоғда аҳолининг шахсий уй-жойи, ҳовлилари ҳам муайян лойиҳа ва талаблар

асосида барпо этилган. Бунда худуднинг табиий иқлим шароити, рельефи ҳам ҳисобга олинган. Санитария-гигиена меъёрларига, унинг ташқи кўринишига жиддий эътибор қаратилган.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари Ислам Каримов буюк аждодларимизга хос ўша эзгу

Янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари хизматингизга тайёр

анъаналарни қайтадан тиклаб, мамлакатимиз кишлоқ ва шаҳарларини ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гушаси, ҳатто, энг олис ва чека кишлоқларида ҳам бунёд этилган замонавий, қулай ва кўркам тураржойлар, мактаб ва коллежлар, кишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт қوشоналари, боғ-роғлар, равон йўл ва кўприклар, боғ-қўнғирлар, сув-қўнғирлар.

«Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар ва босқичма-босқич ишловларни янги, янада юқори поғонага кўтариш ва самардорлигини ошириш борасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Ватан ичра мўъжаз Ватан

Ватан остонадан бошланади. Ўз уйим — улан тўшагим. Халқимизнинг бундай нақлларида хикमत кўп. Дарҳақиқат оиламиз, ўз уйимиз, яшаш

масканимиз Ватан ичра мўъжаз Ватан

хисобланади. Хонадонларимиз, уй-жойларимизни қанчалик обод қилсак, маҳалламиз, шаҳар ва кишлоқларимиз, юртимиз шунчалик кўркам ва файзли бўлади.

Собиқ шўро даврида шаҳар ва кишлоқлардаги қуришлар Ўзбекистондаги маҳаллий ва табиий шарт-шароит ҳисобга олинмай амалга оширилган. Қурилиш материалларининг етишмаслиги, яқин тартибда уй-жой қуришда ҳар кимнинг ўзича ёндашуви ердан самарасиз фойдаланишга, аҳоли яшаш маҳалларининг қиёфасига салбий таъсир кўрсатган.

Истиқлолга эришганимиздан бунён кишлоқларни ободонлаштириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Утган давр мобайлида ана шундай бунёдкорлик ишлари натижасида қўллаб-қувватланган тураржой масканлари пайдо бўлди.

Биргина мисол. Бундан бир неча йил бурун Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида «Мустақилликнинг 15 йиллиги» дея аталган янги маҳалланинг барпо этилиши туфайли 200 оила бир вақтинч ҳўзда янги, замонавий уйлارга кўчиб ўтди. Хонадонларга табиий газ, электр, ичимлик сув ўтказилди. Замонавий алоқа хизмати йўлга қўйилди.

сон ҳаётга бир марта келади, шундай экан, умрини ҳар жиҳатдан муносиб, тинчлик-осойишталик, фаровонликда ўтказиши керак, деган сўзларнинг тасдиқини ўз ҳаётимиз мисолида кўраймиш.

«Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида қишлоқларимиз қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳоли тураржойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини меъморий режалаштириш ва намунавий лойиҳалар асосида барпо этиш тизимини тўқдан тақомиллаштириш, меъмор ва муҳандисларнинг, жойлардаги мутаассадди раҳбарларнинг бу масалага ёндашуви-ни давр талабига мос равишда ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилямоқда.

— Илгарни пасткам, дидсизлик билан пала-партиш қилиб қурилган уйларида яшаш, бизга насиб этгани шундан, деб юрвагеран эканимиз, — дейди маҳалла раиси Абдуманноб Маматисаев. — Янги уйга кўчиб ўтган, бу ерда яратилган қулайликлардан баҳраманд бўлиб, бошимиз осмонга етди. Юртбошимизнинг ин-

сон ҳаётга бир марта келади, шундай экан, умрини ҳар жиҳатдан муносиб, тинчлик-осойишталик, фаровонликда ўтказиши керак, деган сўзларнинг тасдиқини ўз ҳаётимиз мисолида кўраймиш.

«Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида қишлоқларимиз қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳоли тураржойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини меъморий режалаштириш ва намунавий лойиҳалар асосида барпо этиш тизимини тўқдан тақомиллаштириш, меъмор ва муҳандисларнинг, жойлардаги мутаассадди раҳбарларнинг бу масалага ёндашуви-ни давр талабига мос равишда ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилямоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХОТИРА МАНГУ, ҚАДР АБАДИЙ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Хотира ва Қадр деб аталмиш муқаддас тушунчалар ҳақида гап кетганда, албатта, оқибат, яхшилик, савобатпешалик сингари бешбарқаз фазилатлар тилга олинади. Зеро, хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковати...

— Инсон хотиралар билан яшайди, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, кекса педагог Абдулла Жўраев. — 86 ёшдаман. Умрим давомида кўп нарсани кўрдим. Турли бало-қазорлардан омон қолдим. Умтишимиз машаққатлари инсонни қўлга олиб қўйишга...

Дарҳақиқат, инсон — ҳаёт гултоғи. Яратган инъоми — онгу тафаккурнинг фақатгина одамзодга берилгани мазкур ҳақиқатга яна бир далил...

... Майдонда кексалар, ёшлар, вилоятлардан келган, хориздан ташриф бурюрган меҳмонлар ён-атрофнинг муазаммидан баҳраманд бўлиб кетишди. Мана, ёнимизда устозларнинг сўзларига қулоқ тутиб турган мактаб ўқувчилари. Уларнинг юз-кўзларидидаги самимиёт эътиборни тортди, фикр-мушоҳадларнинг те...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

ХОТИРА МАНГУ, ҚАДР АБАДИЙ

Хотира ва Қадр деб аталмиш муқаддас тушунчалар ҳақида гап кетганда, албатта, оқибат, яхшилик, савобатпешалик сингари бешбарқаз фазилатлар тилга олинади. Зеро, хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковати...

Олим ТЎРАҚУЛОВ, ЎзА шорхончиси.

Жаҳон миқёсидаги молиявий инқироз сўзлаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишқисқаб ва бошқа таъсир оқибатларини кўзга келтириш ва қолтиришда. Айташ мумкин, молия-банк тизимидagi инқироз бу ун деврда дунё мамлакатларини тўла қамраб олди. Натижда иқтисодий ўсиш пасайиб, инвестициявий фаоллик кўламини чекламоқда, талаб ва халқро савадо ҳажми камаяптир. Шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жаҳоний иқтисодий талафотлар содир бўлмоқда. Ана шундай бир даврда мамлакатимизда 2009-2012 йилларга

мўлжалланган Иқтисодга қарши чоралар дастури қабул қилинди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқуланган ва бугунги кунда кучга кирган «Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини ҳимоялаш қарорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ана шундай чора-тадбирлардан биридир. Шу муносабат билан муҳбиримиз Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Б. ИМИНОВ билан суҳбатлашди.

БАНКДАГИ ОМОНАТ учун эндиликда тўла қафолат мавжуд

— Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан қўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами, биринчи навбатда, шу давлат молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг қай даражада барқарорлиги ҳамда ишончилигига, уларнинг ҳимоя механизми нечоғли кучли эканлигига боғлиқдир. — деди Бахтиёр Мирзажонович. — Шу тўғрисида жаҳон иқтисодий инқирози кучайиб бораётган ҳозирги шароитда банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш мумкин аҳамият касб этади. Мамлакатимизда эса молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодийнинг реал сектори қорқончалари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилган. Қолаверса, юртимизда кейинги йилларда банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида ҳам бир қатор тизимий ишлар амалга оширилди ва оширилмақда.

— Янги қонуннинг кучга кириши ҳам банк тизимининг барқарор ва ишончилигини таъминлаш йўлидаги чора-тадбирларнинг антикий давоми эмасми? — Худди шундай. Ундан қўланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимол тутилган қонун ҳужжатлари асосида таъминлашни белгилаб қўйилди. Унга қўра, фуқароларнинг тижорат банкларида очилган депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича, ушбу омонатларнинг микдоридан қатъи назар, ҳақиқий тўлиқ ҳажмда тўлаш қафолатланмоқда. Шу муносабат билан «Фуқароларнинг банкларидаги омонатлари ҳимоялаш қарорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига фуқароларнинг банкларидаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини назарда тутувчи ўзгариш киритилди. Айни вақтда мазкур 10-модданинг омонат тижорат банкларидаги ҳақ тўлаш шарт-шароитлар яратилдиан иборатдир.

Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш қафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банкларида очилган депозит ҳисобварақларидаги пул маблағлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши ва фуқароларнинг банкларидаги омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли қафолатлари

салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли қафолатларини таъминлаш, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини тижорат банкларидаги ҳақ тўлаш шарт-шароитлар яратилдиан иборатдир. Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш қафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банкларида очилган депозит ҳисобварақларидаги пул маблағлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши ва фуқароларнинг банкларидаги омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли қафолатлари

— Омонатлари қафолатлаш бўйича халқро тажрибалаш ҳақида ҳам тўхталсангиз. — Омонатларни ҳимоя қилиш

А. БОЛИЕВ суҳбатлашди.

Маълумки, 2002 йилда «Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини ҳимоялаш қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. Ушбу Қонун билан республикада аҳолининг банкларидаги омонатларини қафолатлаш тизимининг ҳуқуқий асослари янада

Маълумки, 2002 йилда «Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини ҳимоялаш қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. Ушбу Қонун билан республикада аҳолининг банкларидаги омонатларини қафолатлаш тизимининг ҳуқуқий асослари янада

(Давоми. Боши 1-бетда).

оширишга қарор қилар экан, айни пайтда воҳа аҳолисига озиқ-овқат ва бошқа кишлоқ хўжалик экинларини еттиштириши учун тоза сув бериш ҳақида ҳам ўйлашни керак. Биз Тожикистон ва Қирғизистонда сув ресурсларидан кишлоқ хўжалигига зарар етказган ҳолда энергетика мақсадларида фойдаланишни ошириш борасида иш олиб

Сув — умумбашарий неъмат

борилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ахир бугунги кун шароитида сув ресурсларидан фойдаланишда барча давлатларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, халқро миқёсда қилинган, мавжуд халқро конвенциялар асосида мутаносиблашган сифат юргизиш жуда муҳим ҳисобланади. Минтақа келажаги сув-энергетика манбаларидан турғи ва оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шу боис минтақанинг асосий дарёлари юқори оқимда қойилган қўшни давлатларнинг лойиҳалари Ўзбекистонни таъминлашнинг асосий умкин эмас.

Трансгегаравий дарёлардан ҳар қандай янги гидротехника иншоотлари барпо этилишини режалаштиришда мустақил ва ҳолис халқро экспертиза таъминлашни лозимлиги барчага аён. Мавжуд муаммоларни билдирган ва уларни оқилона ҳал қила оладиган мутахасссларнинг экспертизаси керак. Эҳтимол, бунинг учун бир эмас, бир неча экспертиза керак бўлар. Нима бўлганда ҳам, бундай лойиҳаларнинг барча иқтидорлари ва оқибатлари обдан ўрганиб чиқилиши шарт. Бугунги кунда янги йўналишларини ишлаб чиқиш учун энг қамда 20-30 йил олдинга назар ташламоқ даркор. Ҳозир энг асосийси — истиқболни кўра билиш ва режалаштириш. Яъни, истиқболни белгилаш фақат бир давлат даражасида амалга оширилмасдан, балки халқро экспертиза ва халқро ҳуққ мейёрлари билан мустаҳкамланган бўлиши керак.

Айни пайтда кўпгина мамлакатлар сув ресурслари танқислигини бошидан кеңирмоқда. Трансгегаравий дарёларнинг суви, бу — нафақат электр энергияси, балки иқтисодий, озиқ-овқат ҳавфсизлиги ҳамда ушбу дарёлар оқимларида яшовчи халқларнинг муносиб ҳаётий шароитларини таъминлаш манбаи ҳам демекдир. Бунинг барча аспектларини обдан ўрганиб чиқилиши шарт.

«Жаҳон» АА, Москва.

ХАЛҚАРО ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу каби ютуқларга эришишда аънавий ўтказиб келинган «Соғлиқни сақлаш — ТИНе 2009» халқро кўргазмасининг ҳам ўзига соҳ аҳамияти бор. Қолаверса, мазкур йилки халқро экспозицияда жаҳоннинг энг машҳур тиббиёт компаниялари иштирок этаётганлиги боис унинг нуфузи йилдан-йилга ортуб бормоқда. Бундан ташқари, ушбу кўргазма давлош муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш соҳасининг бирламчи бугунини ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этади.



Темуру ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Дарвоқе, тадбирнинг Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда бўлиб ўтаётганлиги янада эътиборлидир. Чунки бу йил ҳам жойлардаги ҚВЛлар фаолиятини тақомиллаштириш ва модернизациялаш, кишлоқ аҳолисига янада сифатли тиббий хизмат бўлишини таъминлаш бўйича ишлар иш-

Дарвоқе, тадбирнинг Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда бўлиб ўтаётганлиги янада эътиборлидир. Чунки бу йил ҳам жойлардаги ҚВЛлар фаолиятини тақомиллаштириш ва модернизациялаш, кишлоқ аҳолисига янада сифатли тиббий хизмат бўлишини таъминлаш бўйича ишлар иш-

чил давом эттирилади. Қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда «Саломатлик — 2», «Шошилинч тиббий ёрдам бўлиминини тиббий ас-

боб-усқуналар билан жиҳозлаш» инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда аҳоли

саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами йил сайн кенгайиб бормоқда. Модомики, шундай экан, бундан буён ҳам тизимдаги

ислохотлар, аввало, халқимиз саломатлиги, жамиятимиз равнақи, турмушимиз фаровонлигига хизмат қиларери.

Фурқат САНАЕВ.

ЮРТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ, УЙЛАРИМИЗ БУНДАН-ДА ШИНАМ ВА ЗАМОНАВИЙ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бошқача айтганда, «кишлоққа шувим бўлаверди» деган асқна қарашлар билан энди мурожа қилиб бўлмайди. Бугун кишлоқда янги уй-жойлар, иқтисодий-маданий, тиббий ва маънавий хизмат кўрсатиш иншоотларини пухта ишлаб чиқилган бош режа, замонавий мейморлик лойиҳалари асосида қуриш, туман марказлари, кўча ва майдонларни ободонлаштириш юзасидан кенг кўламадаги ишлар амалга оширилмоқда.

Бунёдкорлик ишларидан муайян ҳудуднинг табиати ва иқлим шароити, ўзига соҳ демография жихатлари, мавжуд маҳаллий қурилиш материаллари ва қурилиш индустрияси базаси каби муҳим омиллар эътиборга олинмоқда. Қурилиш ҳомиҳаси ва материаллари турини ошириш ва нархини арзонлаштириш учун жойларда цемент, оҳак, гипс, гипс ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш янги қорхоналар фойдаланишга топширилмоқда. Қурилиш учун зарур ҳомиҳаси қонларини тиклаш ва уларнинг сонини қўлайтириш, қурилиш мақсудотларининг мақбул наҳарларда сотиш бўйича жойларда фирма дуконлари очилмоқда.

Президентининг Ислому Каримовнинг яқинда қабул қилинган «Кишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридида бош план асосида кишлоқ қиёфасини ва кишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, кишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий инновацияларни жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узок муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг ҳорий этиш белгиланган.

Банк томонидан кишлоқ жойларда жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича янги тартибдаги уй-жой қурилиши учун Марказий баннинг қайта

объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида режалаштирилиш, бешаш, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишч ҳуқуқий нуқш шаклидаги юридик шахс ҳуқуқига эга иқтисодлаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ташкил этилмоқда.

Янгидан ташкил этилаётган бу ташкилотлар аҳоли, юридик шахслар ва ягона бююртмачи хизматлари билан шартномалар асосида, фойдаланишда тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жойларни қайта режалаштириш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, бешаш ҳамда қурилиш, шу жумладан, томларни таъмирлаш, улар ичидидаги муҳандислик коммуникацияларини алмаштириш ва кўп қаватли уй-жойларнинг мукаммал таъмирлаш ишларини амалга оширишди. Шунингдек, қолғусида янги муқдорларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга бериш ва қимодий савдо-уай-жойларни тиклаш бўйича ишларни бажарди.

Айни чоғда мавзелап ичидаги эскирған уй-жой муҳандислик тармоқларини алмаштириш ва қайта қуриш, кўп қаватли уйларга ёндош ҳудудларда ландшафт лойиҳа ечимларидан фойдаланган ҳолда ободонлаштириш ишларини амалга ошириди.

Тан олиш керак, фуқаролар уй-жойларини реконструкция қилиш, таъмирлаш, пардоз ишларини амалга ошириш ишлари бир қийинчиликларга дуч келар эди. Ҳуссан, бундай ишлар бешаш шувулланувчи юридик макомга эга ташкилотлар эҳтиёга қараганда ҳам эди, мажбуларнинг ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари учун белгилаган нархи ҳаммага ҳам турғи келмасди. Натижда уй-жойларда таъмирлаш-қурилиш ишларини ҳондон ағзалари ёки бу соҳада етарли малакага эга ўлмаган ёлланма ишчи-

қурилиш учун Марказий баннинг қайта

қурилиш учун Марказий баннинг қайта

қурилиш учун Марказий баннинг қайта

қурилиш учун Марказий баннинг қайта

қурилиш учун Марказий баннинг қайта

қурилиш учун Марказий баннинг қайта

қурилиш учун Марказий баннинг қайта

қурилиш учун Марказий баннинг қайта

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қалъага ўт кетди

Австриянинг Зальцбург шаҳридаги тарихий Аренберг қалъасида ёнгин юз берди, дейилади "РИА Новости" ахборотида.



"Тилсиз ёв"ни жиловлаш учун юздан ортқк ўт ўчирувчилар жалб қилинган ва 12 соатдан кейингина хавф бартараф этилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ёнгин қалъа томида пайвандлаш ишлари олиб борилаётгани туфайли келиб чиққан. Бахтсиз ҳодиса оқибатида етти киши жароҳатланган.

Салбий таъсир эҳтимоли

Жаҳон бозорларида нефть нархи яна сезиларли даражада пасайди.

Ахборот агентликларининг маълум қилишича, Нью-Йорк биржасида ўтказилган сўнги савдолар чоғида "WTI" типидagi "қора олтин"нинг бир баррели 45,88 АҚШ долларига баҳоланган. Лондонда эса "Brent" русумили нефть нархи 6,5 фоизга арзонлашган.



Иқтисодий вазиятта салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Ишсизлар сони ошмоқда

Жорий йилнинг биринчи чоғи яқунлари бўйича Россияда ишсизлар сони 7,107 миллион кишига етган.

Бу ҳақда Россия давлат статистика федераль хизмати расмий ахборот тарқатди. Маълумки, февраль ойида мамлакатда ишсизлар 6,4 миллион кишини ташкил этганди. Шунга асосан, аввалроқ Россия Соғлиқни сақлаш ва иктомий ривожланиш вазирлиги жорий йил якунига бориб бу кўрсаткич етти миллион кишига етишини тахмин қилган. Бироқ дастлабки чоракдаёқ бу тахмин ўзини оқламади.

Таъкидлаб ўтиш керак, айна пайтда жаҳонда рўй бераётган иқтисодий-молиявий инқироз туфайли мамлакатдаги 32 мингта ташкилот ўз иш ўринлари сонини маълум миқдорда қисқартиришини билдирган.

Энг кичик театр

Буюк Британиянинг Кент графлигида ер юзидagi энг кичик театр «Кимошди» савдо-сига қўйилди.



Этиборлиси, театр атиги 60 томошбагина мўлжалланган. Унинг саҳнаси ҳам ўзига яраша: бор-йўғи

3 метр. "Телеграф" нашрида ёзилишича, бу масканда сўнги мартта 2005 йилда ёзувчи Оскар Уайлдининг "Қандай қилиб жиддий бўлиш мумкин?" асари саҳналаштирилган экан. «Кимошди» савдолари яқунларига кўра, театрни Фрэнки Жордан исмли актриса харид қилган. Бунинг учун у 130 минг фунт-стерлинг (191 минг АҚШ доллари) сарфлаган.

Ҳайкалнинг нусхаси

Парижнинг «Люксембург» боғида "Озодлик" ҳайкалининг нусхаси бунёд этилди.

Бу ҳайкалнинг асли АҚШда ўрнатилганлигидан хабарингиз бор. "Ассошиэтед-пресс" агентлиги ахборотида айтилишича, ҳайкалча Парижда ўтказиладиган йирик кўргазмалардан бирида намойиш этилади. Шундан сўнг яна «Люксембург» боғига келтирилади. "Озодлик" ҳайкали илк бор франциялик ҳайкалтарош Фредерик Огюст Бартольд томонидан яратилган бўлиб, у 1886 йилда океанorti давлатига совға қилинганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Маълумки, "Асака" банки мамлакатимизда автомобилсозлик сановати тез суръатларда ривожланиши туфайли ташкил этилган қадирғоч банклардан бири ҳисобланади. Қисқа вақт ичида ушбу банк микромолиялаш ва инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдаги кенг қўламли фаолияти натижасида республикамизнинг йирик банклардан бирига айланди. Айнқисса, у дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги туфайли халқроқ молия муассасалари орасида ўз ўрни ва макъени тобора мустаҳкамламоқда. Банкнинг Фаргона вилояти бўлими фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Айна пайтда бу бўлимининг учта филиали ишлаб турибди.

АҲОЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ — САМАРАДОРЛИК ИМКОНИЯТИ

Банкнинг нуфузи ва макъеи ортқк боргани сайин бу ерда асосий мижозлар — омонатчилик билан ишлаш борасида ҳам ўзига хос тажриба тўплайди. Айна омонатчилар билан ишлашда янғича замонавий услублар, технологиялар, дунё банклари томонидан эътироф этилган тамойиллар қўлланилаётгани банк билан мижоз ўртасидаги алоқаларнинг янада фазолашишига, ўзаро ҳурмат ва ишончининг ошишига хизмат қилапти. Бу ҳақдаги алоқалар Президентимизнинг ўтган йили қабул қилинган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан сўнг янғи босқичга кўтарилиди. Гап шундаки, мазкур Фармон талабларини икром этиш бўйича амалга оширилган катта ҳажмдаги ишлар туфайли аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишиши таъминлаштирилди. Бу эса нақд пул маблағларини банк газнасига йўналтиришнинг янғи имкониятларини очиб берди.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг "Фўқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, республика тижорат банклари ўртасида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича таъминлаштирилди. Утган йил якуниларига кўра, бу талғовга "Асака" банкнинг Фаргона бўлими томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва лойиҳалар талабдан хайбат томонидан муносиб баҳоланди: у "Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича энг яхши филиал" номинацияси бўйича галиб, деб топилди. Бу аслида банкка омонатларни жалб

этиш мақсадида маслаҳатчи-менежер хизмати ташкил қилинган, бундан ташқари, "Омонатчилар бурчаги" мижозларнинг энг сезимли масканларидан бирига айлангани самарасидир. Чунки улар бу жойдан бевосита Президентимизнинг иқтисодий ислохотларга оид Фармон ва қарорларини, соҳадаги сўнги янғиликлар ва маълумотларни бемалол олиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жаъоб топишлари мумкин.

Бугунги кунда банк мижозларга 47 турдаги омонат бўйича хизмат кўрсатапти. Шу хизматларнинг 8 турида АҚШ доллари, 6 турида эса евро орқали муқамал қилиш мумкин. Банк нафақат энг юқори фойдали даромад берувчи, балки омонатларни ўз вақтида қайтарувчи молиявий муассаса сифатида ҳам мижозлар ишончини қозонмоқда. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" деган шир мижозларнинг қундалик фаолияти мезонини белгилайди. Шу боис ўтган йили банк томонидан жалб қилинган омонатлар ҳажми миллий валюта эквивалентида 37,7 миллиард сўмни ташкил этди. Шунинг 22,3 миллиард сўми жамғарма омонатлари эканлиги эътиборга сазовордир.

Молия муассасаларида

Сўнги йилларда жамғарма омонатларини пластик картчаларга жалб қилиш борасида ҳам муайян ишлар бажарилди. Ҳозир банкнинг газнасидега пластик картчаларга жалб қилинган маблағ 17,1 миллиард сўмдан ортқк кетгани бунинг далилидир. Эътиборлиси, виллоятнинг 3600 нафардан зиёд аҳолиси ўз омонатларини мазкур банкка ишониб топишган. Газнадаги омонатлар ҳажми эса 2 миллиард сўмга етиб қолди. Бугунги кунга келиб эса, омонатчилик хорижий валютадаги жамғармаларини ҳам шу банкка жалб этапти. Зеро, банк 1500 дан зиёд омонатчининг 141000 доллар миқдоридagi маблағини сақлаб бериш кафолатини олган.

Банк раҳбарияти мижозлар билан ишлаш борасида дунёдаги илғор банклар тажрибаларини қўлаш, жорий этиш билан бирга, бу муҳим соҳани энг сўнги моделдаги техник воситалар билан жиъхозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратапти. Хусусан, барча ишлар автоматлаштирилган бўлиб, ҳар бир омонат учун алоҳида хисоб рақами юритилади. Мазкур хисоб рақамдаги омонатларнинг фойдалари ҳафта ёки ойда эмас, ҳар қуни хисоб-китоб қилиб борилади. Бу эса банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч, ўзаро ҳурматнинг янада мустаҳкамлашишида муҳим омил бўлаётди.

Банкда мижозларга кредит ажратиш-лаётгани ҳам диққатга молик. Бу борадаги ишларнинг самарасини, аввало, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари билан муносабатларда яққол кўриш мумкин. Иштиёзли кредитлаш фонди хисобига, бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳамкорликда, шунингдек, Осий Тараққиёт банки кредит линияси хисобидан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларига асосий маблағлар йўналтирилди. Фақат ўтган йилнинг 2,2 миллиард сўм маблағларини реал секторига йўналтирилган кредитлар 7,3 миллион сўмни ташкил этди. Бу маблағлар эвазига 436 та янғи иш ўрни яратилди. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар эса режавий кўрсаткичдан анча ортқк, 782 миллион сўмга етди.

Банк томонидан амалга оширилаётган ишларнинг яна бири — бу ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдан иборат. Утган йили 2,2 миллиард сўм имтиёзли кредит хисобига 124 та ёш оила ўз турмуш шароитини, уй-йўли масаласини яхшилаб олди.

Бу имтиёз ва қўлайликлардан хабардормисиз?

- Банк оддий оилаларга истеъмо кредитларини йиллик 14 фоиз, ёш оилаларга эса 12 фоиз миқдориде бермоқда
• Корпоратив лирик мижозларини ички-хўжалиқарие истеъмо кредитлари ушбу корхона кафилиети остида бйрламчи 25 фоиз бадалсиз ажратилади
• Одий оилаларга ипотека кредитлари йиллик 18 фоизда берилса, ёш оилаларга 14 фоиз миқдориде берилади.
• Ишлаб чиқариш лойиҳаларини кредитлаш йиллик 15 фоиз миқдориде таъминланади.
• Озқ-овқат дуқонлари ва чакана нуллик хизмат кўрсатиш шохбозчаларини қуриш ва таъмирлашга 3 йил муддатгача йиллик 12 фоиз устима фоиз билан кредитлаш жорий қилинган.
• Бўлим ва унинг филиаллари, мин банклари ҳамда махсус кассаларида "Пайнет" тўлов тизими ва коммунал тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Бу маблағнинг 90 фоизи ипотека, 165 миллион сўмни истеъмо кредитлари бўлса, тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган 8 та оиллага эса 138 миллион сўмлик кредит берилди.

Банк жамоаси инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзиде 3 та йирик лойиҳани амалга ошириш учун хорижий кредит линиялари хисобидан 11,7 миллион доллар, 9 та лойиҳани молиялаштиришга эса 8,3 миллиард сўм маблағ ажратилгани шундан далолат беради.

Натижада виллоятда импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортқк борапти. Хусусан, бултур "Автойна" ОАЖ, "А. Акбарали" ХИЧК, "Алеста Глас" ШК, "Фаргона автотрансхизмат" МЧЖ, "Фаргона автосавдо" МЧЖ, "Сайқал" ХФ сингари сановат ва хизмат кўрсатиш корхоналариде салкам 7 миллион долларлик махсулот хорижага экспорт қилинди. Бу маблағнинг салкам тенг ярми "А. Акбарали" хусусий ишлаб чиқариш фирмасига хиссасига тўри келади. Ушбу корхона бундан уч йил аввал банк томонидан ажратилган 3 миллион евро хисобига Германиядан жаҳон стандартларига мос ил калава ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар олиб келган эди. Пировадиде 150 та янғи иш ўрни яратилди.

Агар бугунги кунда Фаргона шаҳри ва унга туташ қишлоқларда булсангиз, Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган чироили ва бежирим "ISUZU" автобусларига кўзингиз тўшади. Бу машиналар банк томонидан "Фаргона автотрансхизмат" корхонасига имтиёзли тарзда узоқ муддатга берилган 1,6 миллиард сўм маблағ хисобига сотиб олинган. Уларнинг турли йўналишлар бўйича қанчови йўлга қўйилганлиги йўловчи ташил борасидаги муаммоларни бартараф этди. Айнқисса, йўловчиларнинг қувонганини айтмайсизми! Чунки бу йўналишлардаги йўлқира ҳақи микроавтобусларда белгиланган нарҳга нисбатан деярли 2 баробар арзон. Шунга қарамадан, корхона ўтган йили аҳолига нақд пул хисобиде 1 миллиард 857 миллион сўмлик хизмат кўрсатди.

Дарҳақиқат, банк ўзининг ишончини ҳамкорлари — мижозлари билан ишлашнинг манумали йўлга қўйилганлиги сабабли, шундай муваффақиятларга эришмоқда.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мактабга — ЮНЕСКО сертификати

Қарши шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактабга ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар ташкилоти сертификати топширилди. Бу билан мазкур таълим муассасаси дунё бўйича ушбу ташкилотга аъзо бўлган 6000 та мактаб қаторидан жой олди.

Яқинда эса ташкилотга аъзолик сертификати эга бўлди. Ушбу ташкилотга аъзо бўлиш зиммамизга мактабда ўқув дастури қаторида олижаноблик, инсонпарварлик гоилари, муруватлик ва ҳамкорлик мавзуларида қўшимча дарслар ташкил этиш маъсулиятини юклайди. 2001 йилда Ўзбекистон мазкур дастурни муваффақиятли амалга оширгани

Ўзбекистонда эса 30 дан ортқк таълим муассасаси мазкур ташкилот дастури бўйича иш олиб бормоқда.

— Утган йилнинг май ойида мактабимизга ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан ташриф буюрган

вакиллар фаолиятимиз билан биргаче, Бирлашган мактаблар ташкилоти аъзоллигига лойиқ деб топилганди, — дейди мазкур мактаб директори Улуғбек Абдурахмонов.

Эътироф

От спорти ишқибозлари диққатига!

Мамлакатимизда от спортини янада ривожлантириш, уни жаҳон миқёсига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси, «Хасково» колбаса махсулотлари, «Абу Сахий Савдо маркази» МЧЖ ҳамийлигида

учун ЮНЕСКОнинг "Тинчлик таянчи" мукофотига сазовор бўлган эди.

Бу мактабга ушбу нуфузли сертификат билан бирга, ўқув дастурлари, кўргазмали қуроллар ҳам топширилди. Шунингдек, бу илм маскани маъжуд талабаларни бажарса, ЮНЕСКО томонидан молиявий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланади.

Ҳар қарич ер ҳисобда

Бу борада қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг зиммасидаги вазифалар ҳам ниҳоятда маъсулиятлидир. Хусусан, халқимиз дастурхони тўқинчилиги шу соҳа вакиллари-нинг фидойи меҳнати-га боғлиқ.



Сурхондарё виллоятда маъжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишга эътибор қунайтирилмоқда. Асосий экин майдонларининг четларида ҳам турли сабзавот ва полиз экинлари етиштиришга киришилди. Ҳозирга қадар виллоятдаги фермер хўжалиқлари-га қарашли дала четларидаги 1,2 минг гектардан зиёдроқ ерлар экин майдонлари-га айлантирилди.

Г. ТАНИРОВА, ўз мухбиримиз.

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВОУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5³ в/ч дан 500³ в/ч гача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтталари



Махсулот сертификатланган.
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» мавзеси, Ц-дахоиси, 6-уй.
Мўлжал — «Шухрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ,
СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ.
КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:
КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

ШПАТЛЁВКА
Калбақисидан эҳтиёт бўлинг!
AzKO
Тел.: +(99897) 718-78-73.
Факс: +(99871) 277-96-38.
Тошкент ш., Чилонзор к., 1-«Б» уй.
Мўлжал — «Ўзбекфильм» К/С.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тошкент виллоятининг
Хонобод «Жокей» спорт клубида
23-26 апрель кунлари
от спорти бўйича жаҳон кубогининг
анъанавий 1-саралаш босқичи
мусобақалари ўтказилади.
Мусобақада Ўзбекистон, Қозғистон,
Қирғизистон Республикаларининг
энг кучли спортчилари қатнашади.
Мусобақага марҳамат!
ЎЗБЕКИСТОН ОТ СПОРТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ
Телефонлар: 239-14-35, 239-14-02.

СП ООО «КАМАЗ АВТОПРОМ»
Официальный дилер ОАО «КАМАЗ»
Продажа * Запчасти * Сервис * Гарантия * Лизинг
Т. 238-93-42
КАМАЗЫ ГРЯЗИ НЕ БОЯТСЯ!
г. Ташкент, проспект А. Темура, 107 Б, офис 6С-08.
e-mail: kamaz_uz@platinum.uz

Курилишда ўлчов, геодезик ускуналарнинг янғи даври
курулишда ишлатиладиган ўлчов асбоблари;
бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
2D ва 3D лазер сканерлари;
лазер ва GPS тизимларини қўллаш асосида машиналарни автоматик бошқарув (тракторлар, экскаваторлар, грейдерлар, бульдозерлар, асфальт ўтқизувчи техника, ер текисловчи ва бошқалар);
оптик, лазерли, рақамли нивелирлар ва теодолитлар;
лазерли масофа ўлчачилар, узунлиқни ўлчовчи пўлат ва фибергласс рулеткалар;
электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС (GNSS) тизимлари, шахсий ва автомобиль навигаторлари;
навигация тизимлари ва ҳаракатланувчи объектларни масофадан кузатиш тизимлари;
шахсий чўнтақ компьютерлари, коммуникаторлар (GSM, PDA);
лоийнка-таджикот ишларини автоматлаштириш учун дастурлар.
Манзил: 100000, Тошкент ш., Осий к., 6-уй. Тел.: (+99871) 150-17-66, 150-17-67.
Махсулотлар сертификатланган web: www.geoinform.uz E-mail: info@geoinform.uz
Хизматлар лицензияга эга

МАДАНИЯТ

хабарлари

Нафосат оламига саёҳат

Урганч шаҳридаги суратлар галереяси иккинчи жамоаси халқимизни санъат дурдоналаридан баҳраманд қилиш мақсадида жойларда сайёр кўргазмалар ташкил этишга киришди.

Ушбу кўргазмаларда 60 дан ортиқ халқ амалии санъати, рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари намуналари намойиш этилмоқда. Хозиргача бундай сайёр кўргазмалар Питнак шаҳри, Хазорасп, Богот, Хонқа туманлари марказларида ташкил этилди.

Сайёр кўргазмалар доирасида қишлоқларда яшаб ижод қилаётган рассомлар, халқ амалии санъати усталари, истеъдодли ёшлар билан ижодий урчушувлар ўтказилмоқда.

О. РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Театр жамоалари беллашди

Самарқандда ҳаваскор театр жамоалари ва кўнрақ театралари республика кўнрақ танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги театрлар жамоалари бугунги кун талабларига жавоб берадиган саҳна томошалари, кўнрақ театралари эса эртак ва дostonлар асосида саҳналаштирилган спектакллар, кўнрақчозлик санъатининг турли жанрларидаги репертуарлари билан иштирок этдилар.

Яқини натижаларга кўра, Ургут тумани марказий маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Ургут» халқ драма театри ва Самарқанд шаҳридаги «Бураино» халқ кўнрақ театри жамоалари галиб чиқиб, кўнрақ танловининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

А. САТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида Сирдарё вилоятида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичи бошланғич саноқли кунлар қолаяпти. Мазкур беллашувларга Бухоро вилояти вакиллари ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. Зеро, «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг вилоят босқичи Бухорода ёш, истеъдодли спортчилар кўплигини кўрсатди.

«Умид ниҳоллари»:

Истеъдодлар кашф этилмоқда

— Мазкур баҳслар «Бухоро» марказий ўйингоҳи, «Ешлик» спорт мажмуаси, Пешку ва Шофиркон туманларидаги болалар спорт мажмуаларида бўлиб ўтди, — дейди вилоят «Ешлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси ўринбосари Т. Фуломов. — 13 та туман ва шаҳар жамоалари спортнинг 12 тури бўйича куч синашдилар. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Бухоро шаҳри вакилларига насиб этди. Гиждувон ва Шофиркон туманлари жамоалари кейинги ўринларни эгаллашди. Барча галиб ва совриндорлар жамиятимиз дипломлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Таъкидлаш керакики, мазкур мусобақаларда Қорақўл, Пешку ва Боб-

кент туманлари жамоалари фаол иштирок этиб, кучилар билан тенгма тенг рақобатлашдилар. Бу жамоалар спортчиларида ўзига ишонч ортгани кузатилди. Республика босқичи мусобақаларида юқорида номи қайд этилган туман жамоаларидан саралаб олинган энг иқтидорли спортчилар иштирок этишди.

Шу ўринда «Умид ниҳоллари» республика босқичида буюроқликларнинг қайси спорт турлари бўйича имкониятлари юқори, деган савол туғилди. «Ешлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятидан бизга билдирилганларча, баскетбол бўйича қизлар ва ўсмирлар жамоаларининг совринли ўринлар учун кураш олиб бориши кутилапти. Яқини босқичида вилоят шарафини Райҳона Мўминова мураб-

бийлигидаги Когон шаҳри баскетболчи қизлари ҳимоя қилишди. Ўсмирлар терма жамоаси таркибида эса Бухоро шаҳридаги 2-, 8-, 31-мактабларнинг ўқувчиларини кўриш мумкин.

Мусобақаларда энгил атлетикачиларга ҳам катта умид боғланяпти. Таркибда истеъдодли спортчилар жамланган. Масалан, Бухоро шаҳридаги 16-мактаб ўқувчиси Кристина Кондратьева 200 метрга югуршида 28,3 сония натижага қайд этган. Дарвоқе, Кристина республика миқёсидаги мусобақаларда етарли тажриба орттирган. Жумладан, у Қарши шаҳрида бўлиб ўтган «Баҳор маликаси» мусобақаларида муваффақиятли катнашган. Қолаверса, мураббийлар 400 метрга югурш мусобақаларида иштирок этувчи опа-сингил Фотиима ва



Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ҲН ИККИНЧИ ҲЙИНЧИ» КУЧИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатида олтинчи тур баҳслари ортда қолди.

Ушбу турдаги сақиз урчушунинг етти тасида мезбонлар, бит-тасида эса меҳмон жамоа галаба қозонди. Майдон агалари ишқибозларини «Ҳн иккинчи Ҳйинчи» деб таърифлашди. Шу маънода, мухлислар ўз жамоаларига куч ато этишди, дейиш мумкин. Турнинг марказий ўйинларидан бири — Хоразмда «Хоразм» — «Бунёдор» жамоалари ўртасида кечди. 21 минг нафардан зиёд томошабин кузатган беллашуви 1:2 ҳисобида «Бунёдор» жамоаси фойдасига ҳал бўлди.

Турнинг қолган урчушуларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Металлург» 1:0, «Олмалик» — «Нефтчи» 1:0, «Шўртан» — «Қизилқум» 2:1, «Локомотив» — «Машғал» 1:0, «Бухоро» — «Динамо» 2:0, «Андижон» — «Сўғдиёна» 4:3, «Ҳасад» — «Навбахор» 1:0.

Тўпурақлар рўйхатида бирйўла тўрт нафар футболчи етакчилик қилмоқда. Хозиргача Ривалдо («Бунёдор»), Музаффар Умрзоков («Локомотив»), Даврон Файзиев («Сўғдиёна») ва Шерзод Хакимов («Нефтчи»)лар рақиблар дарвозасига унчадан тўп киритишга муваффақ бўлишган.

Олтинчи турдан кейинги вазият:

Table with 5 columns: Team, W, D, L, Pts, Goals. Lists teams like Bunyodkor, Nasaf, Olmalik, etc.

«СЕПАХОН» — «БУНЁДКОР» 0:1

Кеча қитъамизда футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси ва кубогининг тўртинчи тур урчушулари бошланди.

Осиё чемпионлар лигасининг «Д» гуруҳидан жой олган «Бунёдор» жамоаси Исфаҳон шаҳрида Эроннинг «Сепакон» жамоасига қарши майдонга тушиб, 1:0 ҳисобида галаба қозонди. Биринчи бўлим ўрталарида Сервер Жепаров томонидан амалга оширилган бурчак тўлини Темур Қапазев боши билан дарвозага йўллади. Ушбу муваффақиятдан сўнг «Бунёдор» ўз очколарини 7 тага етказиб, гуруҳдаги макъени анча яхшилаб олди.

Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача жамоалар уч мартаба ўзаро урчушишган, шундан иккитасида дуранг натижага қайд этилган. Бир ўйнда «Бунёдор» жамоаси зафар қўчганди. Шунингдек, кеча ОФК кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Фарғонанин «Нефтчи» жамоаси сафарда Баҳрайннинг «Бусайити» клуби меҳмони бўлди.

Бугун Осиё чемпионлар лигасининг «А» гуруҳида қатнашаётган «Пахтакор» ўз майдонида Эроннинг «Саба Баттери» жамоасини қабул қилди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

ОБ-ҲАВО (22 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 3-5 даража илик, кундузи 20-22 даража иссик бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёнғингарчилик кутлмайди. Баъзи жойларга туман тушади. Кечаси 3-8 даража илик, кундузи 20-25 даража иссик бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик кузатилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 3-8 даража илик, кундузи 20-25 даража иссик бўлади.

Тошкент вилояти. Ёнғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 3-8 даража илик, кундузи 20-25 даража иссик бўлади.

Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик кутлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Тунда 5-10 даража илик, кундузи 22-27 даража иссик бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёнғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Тунда 3-8 даража илик, кундузи 18-23 даража иссик бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик кузатилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 3-5 даража илик, кундузи 20-22 даража иссик бўлади.

«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Advertisement for Republic of Juchmas Real Estate Auction. Includes details about auctions for land, buildings, and vehicles.

Advertisement for 'Sevinch' Real Estate Agency. Offers services for buying and selling property.

Advertisement for 'Uzbekistan Post' (OJN) regarding mail services and postal codes.

Advertisement for 'Uzbekistan Republic Ministry of Justice' regarding land auctions and legal services.

Advertisement for 'Uzbekistan Republic' regarding land auctions and legal services.

Advertisement for 'Uzbekistan Republic' regarding land auctions and legal services.

Large advertisement for 'Uzbekistan Post' (OJN) with contact information and services.